
СЕНАТОРЛАР РИШТОНДА!

Бугун Риштон туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган Қонунлар, кўриб чиқилган масалалар, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “2021 йил - Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш, жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказиш ҳамда Сенатга келиб тушган фуқаролар мурожаатларини жойида ўрганиш мақсадида вилоятдан сайланган Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзолари Э. Сиддиқова, Т. Холдаров ва И. Султановлар томонидан учрашув ва фуқаролар билан қабуллар ташкил этилди.

Сенаторлар даставвал туман ҳокимлигида фаол ва уюлмаган ёшлар билан учрашув ўтказишди. Учрашув давомида ёшлар томонидан тадбиркорлик, иш билан таъминлаш, кредит масалаларида мурожаатлар келиб тушди

Шундан кейин сенаторлар маҳаллабай тизими маҳалларларга бориб фуқаролар билан суҳбатда суҳбатда бўлишди.

Бугунга ташриф давомида вилоятдан сайланган депутатлар Риштон туманидаги фуқаролар А. Мамажонов, Ж. Мустафаева, Л. Эшонқулов, Ҳ. Ҳикматовларнинг мурожаатини ҳам ўрганишди. Ўрганиш жараёнида туман ҳокими ҳам иштирок этди.

Сенаторлар томонидан мурожаатчиларга ҳуқуқий маслаҳат берилди.

2021-02-12 20:41:09